


ISSN 2181-1342

 Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

# Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzARB muammolari

2/S-son (4-jild)

**2024**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

***№ S/2 (4) – 2024***

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2024**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматовиҷ – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

### **08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:**

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўқтамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Сайдалохонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Кулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### **09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Файбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Сайдова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, "Tashkent International University of Education" халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тибиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехruz Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### **10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдулаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

#### **12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:**

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши хузуридаги Судъялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

#### **13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна - педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Қаюмова Насиба Ашурновна - педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохида Зайневна - педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Мұхәйё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

#### **19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Хайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна - психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### 22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;  
Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

#### 23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;  
Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

### ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” маъсулияти чекланган жамияти

#### Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**  
(99) 602-09-84 (telegram).

## **07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ**

|   |       |
|---|-------|
| Полвонов Козимбек   |       |
| ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ШАҲАРЛАРИ ТОПОНИМИГА ОИД                                 |       |
| МАЪЛУМОТЛАР .....   | 10-15 |
| <i>Xadjamuratova Matlyuba</i>   |       |
| МАКТАВГАЧА ТА’ЛИМДА БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОИY ХИМОЯ QILISHGA INNOVATSION               |       |
| YONDOSHUVNING DOLZARBLIGI .....   | 16-21 |
| Шовкатов Шокир Шовкат ўғли  |       |
| АБУЛ-ЮСР ПАЗДАВИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЁНДАШУВЛАР .....                   | 22-31 |
| <i>Mo'minov Xusanboy Madaminjonovich, Qodirjonov Omadjon Tavakkaljon o'g'li</i> |       |
| О'zbekiston RESPUBLIKASIDA SUD QONUNCHILIGIGA KIRITILGAN O'ZGARISHLAR VA        |       |
| ULARNING AHAMIYATI .....  | 32-36 |

|   |       |
|---|-------|
| Пардаев Асрор   |       |
| ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНИ ХАЛҚ ИСТЕМОЛИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ |       |
| МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ .....           | 37-42 |

## **08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ**

|   |       |
|---|-------|
| Умурзақова Мўътабархон Нодир қизи                               |       |
| ЖАХОНДА ТИББИЙ СУФУРТА ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛANIШ ХУСУСИЯТЛАРИ ..... | 43-52 |

|  |       |
|--|-------|
| Рахманов Зафар   |       |
| ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ДЕПОЗИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ РИВОЖЛANIШ |       |
| ТЕНДЕНЦИЯЛАРИНИ БАҲОЛАШ .....                          | 53-62 |

|   |       |
|---|-------|
| Аминов Фазлитдин Баҳадирович                              |       |
| РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ СЕМЕЙНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В ЭКОНОМИКЕ |       |
| РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН .....                               | 63-70 |

|  |       |
|--|-------|
| Курбонова Шаҳриноз Авазхоновна                               |       |
| ИҚТИСОДИЁТНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР |       |
| ТАҲЛИЛИНИ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ .....                          | 71-81 |

|  |       |
|--|-------|
| <i>Azimova Hulkar Egamberdiyevna</i>                                     |       |
| KREDIT PORTFELINI SAMARALI BOSHQARISHDA TIJORAT BANKLARINING O'RNI ..... | 82-87 |

|   |       |
|---|-------|
| Rajabov Orzujon Mamasoliyevich                                      |       |
| LOGISTIKA XIZMATLARINI KO'RSATISHDA BUYUMLAR INTERNETI (INTERNET OF |       |
| THINGS)DAN FOYDALANISH .....  | 88-93 |

|  |        |
|--|--------|
| Сайдов Сарвар Хайруллоевич                                   |        |
| ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИДА БОШҚАРУВ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШ |        |
| БОРАСИДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ .....                               | 94-104 |

|   |        |
|---|--------|
| Сержанов Аймурат Медетбаевич  |        |
| ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА РАҶАМЛИ БАНКЛАР ХИЗМАТЛАРИНИ ЯРАТИШ |        |
| ЗАРУРИЯТИ .....   | 105111 |

|  |         |
|--|---------|
| Туробов Шерзод Алишерович, Ибодуллаев Зафар Ибодуллаевич |         |
| ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХОРИЖ     |         |
| ТАЖРИБАСИ .....  | 112-119 |

|  |         |
|--|---------|
| <i>Daniyarova Feruza Baxriddinovna, Chinorova Shahodat Mansur qizi</i> |         |
| O'zbekiston IQTISODIYOTIGA XORJIY INVESTITSIYALARNI JALB QILISH        |         |
| YO'LЛАRI .....   | 120-126 |

*Temirova Feruza Sagdullayevna*

XULQ-ATVOR IQTISODIYOTI VA BRENDGA SODIQLIK ..... 127-132

*Sharipova Shaxzoda Xasanovna*

YANGI O'ZBEKISTONDA TURIZM MADANIYATINI YUKSALTIRISH ISTIQBOLLARI ..... 133-138

## 09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

*Alimova Shahniza Hamidovna*

НОГИРОНЛИГИ БОР ЁШЛАР - АЛОҲИДА ХУСУСИЯТГА ЭГА ИЖТИМОЙ-ДЕМОГРАФИК ГУРУХ СИФАТИДА ..... 139-147

*Asrakulova Adiba Nabieva*

“ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ” НИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ ..... 148-154

## 10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

*Teshabayeva Dilfuza Muminovna*

LEXICAL PROBLEMS OF TRANSLATING THE NAMES OF NEW PHENOMENA IN MASS MEDIA ..... 155-160

*Rustamov Ilhom Tursunovich, Inog'mjonova Robiya Rustamjon qizi*

INTERFERENSIYA HODISASINING TILDA AKS ETISHI XUSUSIDA OLIMLARNING TADQIQOTLARI VA QARASHLARI ..... 161-165

*Abdikhamidova Sevinch Obidjon kizi*

PROBLEMS FACED IN TRANSLATING PROPER NOUNS ..... 166-170

*Djurakulova Elmira Suyunova*

SHOYIM BO'TAYEV ROMANLARIDA BADIY XRONOTOP VA MIFOLOGIK TALQIN ..... 171-177

*Dalieva Madina Khabibullaevna*

THE ROLE OF BLENDING THEORY IN POLYSEMY AND METAPHOR ..... 178-183

*Жўраева Ирода Ахмедовна*

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК АНТРОПОНИМИК ЛУФАТЛАР ТИПОЛОГИЯСИ ..... 184-189

*Iminova Shahnoza-Begim Bahodirovna*

INGLIZ TILIDA INSONNING IJOBIY AQLIY XUSUSIYATLARINING IFODALOVCHI BIRLIKLARNING KONSEPTUAL, LINGVO-MADANIY XUSUSIYATLARI ..... 190-193

*Irgasheva Shoxida Sadreddinovna*

INTERNET DISKURSIDAGI IQTISODIY NEOLOGIZMLARNI TARJIMA QILISH XUSUSIYATLARI ..... 194-200

*Tursunova Zarina Farxodovna*

LINGVISTIKADA EMOTLARNI O'RGANISHGA ZAMONAVIY YUNDASHULAR (INGLIZ TILI ASOSIDA) ..... 201-205

*Satibaldiyev Erkinjon Kamilovich*

PARADIGMATIC SOUND INTERFERENCE IN THE ENGLISH SPEECH OF TURKOPHONES ..... 206-212

*Radjabova Hafiza Shukrulloevna*

INGLIZ VA O'ZBEK TERMINOLOGIYASINING METODOLOGIK ASOSLARI ..... 213-220

*Avezova Dilovar Salimovna*

TAXALLUSLARNI O'RGANISHNING NAZARIY JIHATI ..... 221-225

|   |         |
|---|---------|
| <i>Alikberova Kamila Adhamovna</i>  |         |
| A CRITICAL ANALYSIS OF LANGUAGE USE AND LANGUAGE ACQUISITION .....  | 226-232 |
| <i>Rakhmatova Bahara Ibodulla qizi</i>  |         |
| THE ROLE OF LEGAL DISCOURSE IN MODERN LINGUISTICS .....   | 233-238 |
| <i>Valieva Nargizakhon Zamir kizi</i>   |         |
| COMPARATIVE ANALYSIS OF “KITE RUNNER” AND “A THOUSAND SPLENDID SUNS” BY KHALED HOSSEINI: THEMES, CHARACTERS, AND SOCIOPOLITICAL CONTEXT ..... | 239-244 |
| <i>Mamatqulova Zilola Rejabaliyevna</i>   |         |
| RISHTON KULOLCHILIK MAKTABI KASB-HUNAR LEKSIKASINING STUKTURAL TASNIFI .....  | 245-251 |
| <i>Alimova Kamola Tursunovna</i>  |         |
| CHALLENGES IN PREPARATION OF GUIDE TRANSLATORS .....  | 252-258 |
| <i>Сейтимбетова Айкумар Пулатбаевна</i>   |         |
| ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ В АНГЛИЙСКОМ, РУССКОМ И КАРАКАЛПАКСКОМ ЯЗЫКАХ.....                               | 259-264 |
| <i>Бегжанова Айсилуу Махмудовна</i>   |         |
| ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА КОМПЬЮТЕР ЛИНГВИСТИКАСИ ТЕРМИНЛАР ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ .....   | 265-270 |
| <i>Kubanova Ilmira Sharifovna</i>   |         |
| EXPLORING ABBREVIATED RAILWAY TERMINOLOGY IN ENGLISH: A COMPREHENSIVE ANALYSIS .....  | 271-275 |
| <i>Azamjonova Sarvinoz</i>  |         |
| USE OF TOPONYMS IN MODERN FRENCH MEDIA .....  | 276-282 |

## **12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР**

|   |         |
|---|---------|
| <i>Muxiddinova Dildora Muxiddinovna</i>   |         |
| O'ZBEKİSTONNING BOJXONA FAOLIYATIGA KİOTO KONVENSIYASINI JORİY ETİŞHNİNG HUQUQIY JİHATLARI VA JSTGA A'ZOLIKNING TA'SIRI ..... | 283-292 |
| <i>Asadov Eldorjon Nizomiddin o'g'li</i>  |         |
| SOLIQ NAZORATI HUQUQIY ASOSLARINI TAKOMILLASHTIRISH DAVLAT MOLİYAVİY NAZORATI INSTITUTİNİNG MUHİM OMİLİ .....                 | 293-298 |
| <i>Mustanov Ilxom Abdıvalijonovich</i>  |         |
| BANK QONUNCHILIGINI BUZGANLIK UCHUN JAVOBGARLIKNING NAZARIY-HUQUQIY JİHATLARI .....   | 299-304 |
| <i>G'oyibov Jo'rabek Choriyevich</i>  |         |
| YOSHLAR MIGRATSİYASI: MUAMMO VA YUTUQLAR TAHLILI .....  | 305-309 |

## **13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

|  |         |
|--|---------|
| <i>Kuziyev Otobek Chuliyevich</i>  |         |
| TALABALARDA AXBOROT MODELLASHTIRISH KO'NIKMASINI SHAKLLANTIRISHNING MUHİM UCH BOSQICHI ..... | 310-314 |
| <i>Fattaxova Diloram</i>   |         |
| TIL O'QITISHDA FOYDALANILADIGAN KOMPYUTER METODLARI .....                                    | 315-321 |
| <i>Moydinova Elmira</i>  |         |
| APPLICATION OF FLIPPED LEARNING METHODS IN THE UNIVERSITY                                    |         |

|  |         |
|--|---------|
| CLASSROOM .....  | 322-326 |
| <i>Xodiyeva Gulhayo Hasan qizi</i>   |         |
| ZAMONAVIY BOSHLANG'ICH TA'LIMDA 4K MODELI KOMPETENSIYALARINI<br>RIVOJLANTIRISHGA INTEGRATIV YONDASHUVNING MOHIYATI .....                   | 327-333 |
| <i>Doniyorova Gulrux Shoniyozovna</i>  |         |
| AVTOMOBILSOZLIK YO'NALISHI TALABALARINING KASBIY KOMPETENSIYASINI<br>RIVOJLANTIRISHDA DASTURIY VOSITALARNING AHAMIYATI .....               | 334-338 |
| <i>Jumaniyozova Muhayyo Tojiyevna</i>  |         |
| RIVOJLANTIRUVCHI TA'LIMINING ASOSIY NAZARIYALARIDA TA'LIM OLUVCHINING<br>ANALITIK QOBILIYATINI SHAKLLANTIRISH MUAMMOLARI .....             | 339-344 |
| <i>Xo'jamberdiyeva Dilfuzা Ikramovna</i>   |         |
| DARSLIK BILAN ISHLASH O'QUVCHILARNING AXBOROT KOMPETENTLIGINI<br>RIVOJLANTIRISH VOSITASI SIFATIDA .....                                    | 345-351 |
| <i>Mamaraimov Bekzod Qodirovich</i>  |         |
| O'QUVCHILARNING TADQIQOTCHILIK KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH VA ULARNING<br>QIDIRUV FAOLIYATIGA TAYYORLIGI .....                           | 352-356 |
| <i>Xudayberdiev Nurislam Nuralievich</i>   |         |
| BO'LAJAK O'QITUVCHILARING RAQAMLI KOMPETENTLIGINI SHAKLLANTIRISHNING<br>TASHKILIY-PEDAGOGIK MEXANIZMI .....                                | 357-363 |
| <i>Qarshiyev Jamshid Murotaliyevich</i>  |         |
| TALABALARINING O'QUV FAOLIYATI VA ILMIY IZLANISHLARIDA SUN'IY INTELLEKT:<br>IMKONIYAT VA CHEGARALAR .....                                  | 364-369 |
| <i>Teshaboyeva Shahodat</i>  |         |
| ZAMONAVIY SHAROITDA SHAXSNING KASBIY HUQUQIY MADANIYATI .....  | 370-375 |
| <i>To'rayeva Dilnoza Ismoilovna</i>  |         |
| RAQAMLI TA'LIM MUHITIDA BO'LAJAK O'QITUVCHINING KASBIY KOMPETENTLIGINI<br>RIVOJLANTIRISH USLUBIY TAYYORGARLIKNING BIR QISMI SIFATIDA ..... | 376-380 |
| <i>Beknayeva Shaxnoza Vladimirovna</i>   |         |
| MAKTABGACHA TA'LIM TASHKIOTLARIDA INSON RESURSLARINI BOSHQARISHDA<br>INNOVATSION JARAYONLAR .....  | 381-388 |
| <i>Dusyarov Salimjon Xudaymuratovich</i>   |         |
| HARAKATLI O'YINLAR ASOSIDA MAKTAB O'QUVCHILARIDA JISMONIY MADANIYATNI<br>SHAKLLANTIRISH .....  | 389-393 |

**Асракулова Адиба Набиевна**

PhD, Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори, НамДУ  
“Мусиқа таълими ва маданиятшунослик” кафедраси ўқитучиси  
Email: [adibaasraqulova@gmail.com](mailto:adibaasraqulova@gmail.com)

## **“ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ” НИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ**

**Аннотация.** Мақолада ёшлар тафаккурида тадбиркорлик ва ишбилармонликни шакллантириш ҳамда ривожлантириш, ҳозирги даврда дунёда миллий иқтисодиётнинг ривожланишида унга таъсир ўтказаётган ёшлар иқтисодий тафаккур генезиси, унинг эволюциясига оид ўзгаришлар, Ўзбекистонда ёшлар иқтисодий тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор вазифалари эканлиги, Янги тараққиёт босқичида ёшларнинг тафаккуридаги ўзгаришлар жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётига ижобий таъсирини ўрганиш каби масалаларни қамраб олинган.

**Калит сўзлар:** Неоиқтисодий, интеграциялашув, инновацион, стратегик, долзарб, тенденция, генезис, ижтимоий сиёсат, капитал, методологик, Миллий иқтисодиёт, иқтисодий онги, эволюция, бандлигига кўмаклашиш, фоя, фикрлаш, замонавий, методлар, уйғониш даври, биргаликда, иқтисодий фикрлаш, самарадорлик, айирбошлиш, талаб, саводхонлик, кадрлар, иқтидорли замонавий, ёшлар, фидойи.

**Asrakulova Adiba Nabievna**

Doctor of Philosophy (PhD) Philosophical sciences ,  
Teacher of the Department of “Music Education and  
Cultural Studies” of NamSU

## **IMPORTANCE OF ADOPTION OF “YEAR OF YOUTH AND BUSINESS SUPPORT” IN DEVELOPMENT OF ECONOMIC THINKING OF ENTREPRENEURS**

**Abstract.** In the article, the formation and development of entrepreneurship and entrepreneurship in the thinking of young people, the genetics of the economic thinking of young people who are influencing it in the development of the national economy in the world at the present time, the changes related to its evolution, the formation and development of the economic thinking of young people in Uzbekistan are the main tasks of the state youth organization, the changes in the thinking of young people in the New Development phase issues such as studying the positive impact on the socio-economic life of the society are covered.

**Keywords:** Neo-economic, integration, innovative, strategic, current, trend, genesis, social process, capital, methodological, national economy, economic consciousness, evolution, employment promotion, idea, thinking, modern, methods, renaissance, together, economic thinking, camaraderie, exchange, demand, capacity, personnel, modern, youth.

**Асракулова Адиба Набиевна**

Доктор философии в области философских наук (PhD),  
Преподаватель кафедры “Музыкального образования  
и культурологии” НамГУ

## ЗНАЧЕНИЕ ПРОВЕДЕНИЯ “ГОДА МОЛОДЕЖИ И ПОДДЕРЖКИ БИЗНЕСА” В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЕЙ

**Аннотация.** В статье рассматриваются становление и развитие предпринимательства и предпринимчивости в мышлении молодежи, генетика экономического мышления молодежи, влияющая на него в развитии национальной экономики в мире в настоящее время, изменения, связанные с его эволюция, формирование и развитие экономического мышления молодежи в Узбекистане являются основными задачами государственной молодежной организации, изменение мышления молодежи на этапе Нового развития, такие вопросы, как изучение положительного влияния на социальное -освещена экономическая жизнь общества.

**Ключевые слова:** Неоэкономика, интеграция, инновационный, стратегический, текущий, тренд, генезис, социальный процесс, капитал, методологический, национальная экономика, экономическое сознание, эволюция, содействие занятости, идея, мышление, современный, методы, ренессанс, вместе, экономическое мышление, товарищество, обмен, спрос, потенциал, кадры, талантливый, современный, молодежь, самоотверженный

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI2Y2024N19>

**Кириш.** Жаҳондаги глобал иқтисодий интеграциялашув жараёнлари давлатларнинг рақобат курашининг кучайишига сабаб бўлмоқда. Бу курашда географик жойлашуви, табиий бойликлар, ўрнатилган меҳнат муносабатлар, жамият аъзоларининг саводхонлик даражаси, миллий менталитет, инновацион имкониятлар каби объектив омиллар билан бир қаторда ёшлар иқтисодий тафаккурида даромад топиш ва фойда кўриш каби қарашлар янгича мазмунда намоён бўлмоқда. Ҳар қандай иқтисодий сиёsat юритишида унинг тактик ва стратегик йўналишларини аниqlаб олган ҳолда моддий ва маънавий ишлаб чиқариш субъектларининг, хусусан ёшлар тафаккурида тадбиркорлик ва ишбилармонликни шакллантириш ва ривожлантириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёдаги иқтисодий ривожланиш тенденциялари кўп ўлчовли феномен сифатида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мувозанатини сақлаб турувчи, ёшлар иқтисодий тафаккурини шакллантириш воситага айлантиришмоқда. Бу борада дунёning етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотлар натижасида “ёшлар иқтисодий онги”, “ёшлар иқтисодий тафаккури”, “ёшлар иқтисодиёти” каби тушунчаларнинг методологик асосларига оид бир қатор концептуал ғоялар тадқиқи амалга оширилмоқда. Бу эса ҳозирги даврда дунёда миллий иқтисодиётнинг ривожланиши ва унга таъсир ўтказаётган ёшлар иқтисодий тафаккур генезиси, унинг эволюциясига оид ўзгаришлар тадқиқига алоҳида эътибор қаратилган ёшлар иқтисодий фикрлаш институти (Institute for New Economic Thinking) фаолият олиб бормоқда.

Иқтисодий соҳа жамият ривожланишининг табиий ва зарурий шарти бўлган моддий нематлар – товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истемолини таминловчи тизимидан ташкил топади. Ваҳоланки моддий эҳтиёжларни қондириш ва манфаатдорлик жамият иқтисодий ҳаётининг бош мақсади ҳисобланади. Кишиларнинг меҳнат фаоллиги – жамият барқарор ривожланишининг муҳим омилидир.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, ижтимоий йўналтирилган, соғлом рақобат муҳитига асосланган бозор муносабатларига ўтила бошланди, давлат – иқтисодий ислоҳотларнинг ташаббускорига айланди. Инсон ўз меҳнати натижаларидан

манфаатдор бўлиши, уни ўз касбига ижодий муносабатни шаклланишига, ҳалол меҳнатнинг қадриятга айланишига шароит яратилди. Бу эса меҳнат фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим омил ҳисобланади.

Мустақил Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишни ўз тараққиёт йўлининг мақсади қилиб қўйган. Жамиятимиз сиёсий ҳаётини такомиллаштириш хусусиятлари Республикализ ижтимоий тараққиётнинг “ўзбек модели”да ўз ифодасини топган бўлиб, у иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги; давлатнинг – бош ислоҳотчи эканлиги; қонуннинг устиворлиги; ижтимоий ҳимояни кучайтириш ва бозор муносабатарига босқичма-босқич ўтиш тамойилларига асосланади. Замонавий жамиятнинг тўлақонли ривожланиши нафақат юқори техника ва технологиялар асосига қурилган иқтисодиётга, балки юксак даражада қарор топган манавиятга ҳам боғлиқ.

Ўзбекистонда ёшлар иқтисодий тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш Ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Хусусан, ёшлар иқтисодий тафаккурини шакллантириш ва юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси З-бандида белгиланган “Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш ва адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш” йўналиши билан ҳамохангдир. Зоро, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Биз Учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимиизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз. Албатта, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш жараёни беш-ён йил давом этмай, анча катта ва машаққатли даврни талаб қиласи. Бунинг учун, аввало, минглаб истеъододли кадрлар, иқтидорли замонавий ёшлар, фидойи инсонлар ниҳоятда зарур”[1; 1-3]. Бу эса Янги тараққиёт босқичида ёшларнинг тафаккуридаги ўзгаришлар жамият ижтимоий-иктисодий ҳаётидага ижобий таъсирини ўрганиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

### **Адабиётлар таҳлили.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5242-сон [2], 2018 йил 27 июндаги “Yoshlar-Kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5466-сон Фармонлари [3], 2018 йил 26 апрелдаги “Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-3680-сон [4], 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги ПҚ-3777-сонли [5] ҳамда 2018 йил 14 июлдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3856-сон қарорлари [6], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6017-сон Фармони [7], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрелдаги “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига қўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-6208-сон Фармони[8] каби

меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳаётга тадбиқ этиш ва уларни самарали амалга оширишда ёшларни ижтимоий-иқтисодий ҳаётидага ижобий таъсирини таъминлашда, бугунги кундаги ишлаб чиқилган чора-тадбирлар, замонавий методлар билан биргаликда, уйғониш даври номоёндалари Берунийнинг “Геодезия”, “Минералогия” Ибн Синонинг “Күшлар тили”, “Донишнома”, Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”, Алишер Навоийининг “Маҳбуб ул-қулуб” ҳамда “Авесто”, каби асарлар тажриба ва холосалар манбайи бўлиб хизмат қиласди.

МДҲ давлатларида янгиланаётган жамиятда ёшлар тарихий тафаккурининг ижтимоий-фалсафий жиҳатларига доир муаммолар А.Ю.Архипов, Л.С.Гребнев, К.П.Стожко, Е.В.Путенихина каби иқтисодчи, файласуф ва социологлар томонидан илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Хорижлик У. Шток, Пол Хайне, Питер Боуттке, Дэвид Причитко ва Г.Зиммель каби файласуф ва иқтисодчи олимлар томонидан ижтимоий масалалар, иқтисодий фикрлаш, сиёsat ва иқтисодиёт ўртасидаги боғланишлар, самарадорлик, айирбошлиш, талаб ва таклиф, пулнинг моҳияти, рақобат, монополия, бандлик ва ишсизлик, ихтисослашув ва қиёсий устунлик каби иқтисодий тафаккур самарасиннинг асосий тушунчалари содда ва тушунарли мисоллар билан талқин этилмоқда.

Мамлакатимиз тадқиқотчи олимлари ёшлар тафаккуридаги ўзгаришларга оид баъзи жиҳатларни ўрганган. Жумладан, Б.С. Фаниевнинг “Янги ривожланиш босқичида тадбиркорлик фаолиятининг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари” мавзусидаги фалсафа фанлари доктори диссертацияда “Тадбиркорлик феномени фуқаролик жамияти тараққиётидаги асосий ҳаракатлантирувчи куч сифатида эътироф этилган ёшлар фаолиятида муҳим ўрин эгаллади” [9; Б. 16], деб таъкидлайди. М.Тешабоев ўзининг докторлик диссертациясида Ўзбекистонда ёшларнинг ахлоқий маданиятини юксалтириш жараёнларини, А.Эгамбердиев ёшларда инновацион онг шаклланишининг ижтимоий-фалсафий масалаларини, И.Сиддиқов ёшлар интеллектуал маданиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини, Т.Исмоилов эса Ўзбекистонда уюшмаган ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ва бандлигини таъминлашнинг институционал тизимини илмий тадқиқот ишларида асослаган.

### **Тадқиқот методологияси.**

Ўзбекистонда ёшлар иқтисодий тафаккурини шакллантириш ва ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатларига оид юқорида номлари келтирилган файласуф олимлар мамлакатимизда янгидан шаклланиб келаётган ёшлар иқтисодий тафаккурини жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрнини ўрганган. Учинчи ренессанс ғоясини амалга оширишда анъанавий ёшлар иқтисодий тафаккуридан фойдаланиш заруратини ўрганмаганликлари ойдинлашади. Шу боис, Ўзбекистонда ёшлар иқтисодий тафаккурини шакллантириш ва ривожлантиришнинг назарий ва амалий масалаларини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан ўрганиш бугунги куннинг энг муҳим жиҳатларидан бирига айланмоқда.

Юқорида кўрсатиб ўтилган масалаларни Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” дастури доирасида бажариш мақсадга мувофиқдир.

2024- йил Ўзбекистонда “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиниши қатор вазифаларни кун тартибига қўймоқда.

Жамият янгиланишида ёшлар иқтисодий тафаккурини ва иқтисодий маданияти вужудга келтирувчи аттрактор (очиқ мураккаб тизимларнинг янги ҳолатга ўтишида ҳал қилувчи) омилларини тузилмавийлик ва динамиклик оқибатлари хусусиятларини очиб бериш;

Ёшлар иқтисодий тафаккурининг неоиқтисодий тафаккурда пайдо бўлиш сабабларини тўлақонли ва атрофлича очиб бериш;

жамиятда ёшлар иқтисодий тафаккурини шаклланиш ва ривожланиш босқичларини аксиологик жиҳатларини тадқиқ этиш;

Ёшлар иқтисодий тафаккурини шакллантириш ва ривожлантиришни Янги Ўзбекистон юксалишидаги ўрнини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан очиб бериш;

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги масалаларни энг мухим йўналишлар деб белгилаб олиш мумкин.

Ёшлар иқтисодий тафаккурини ва иқтисодий маданияти вужудга келтирувчи омилларини тузилмавийлик ва динамиклик оқибатларини онтологик ва гносеологик хусусият эканлигини кўрсатиш;

Ёшлар иқтисодий тафаккурининг неоиқтисодий тафаккурда пайдо бўлишини диалектикасида объектив ва субъектив сабаблари аниқлаш;

жамиятда ёшлар иқтисодий тафаккурини шаклланиш ва ривожланиш босқичларини аксиологик жиҳатларини детерменистик парадигмаларини ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари ўрганиш;

Ёшлар иқтисодий тафаккурини шакллантириш ва ривожлантиришни Янги Ўзбекистон юксалишидаги ўрнини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан очиб бериш усул ва воситалари асослаб беришдан иборат.

Бундан ташқари ёшлар иқтисодий тафаккурини шакллантириш ва ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётга таъсир этиш механизмларини ҳамда Ўзбекистонда ёшлар иқтисодий тафаккурини шакллантириш ва ривожлантиришнинг Учинчи Ренессансни амалга оширишда қўлланиладиган усул ва воситалар тизимиға оид тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб масалалардан биридир.

2024-йил, 22-феврал куни “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган кенг қўламли ислоҳотларни 2024 йилда самарали амалга ошириш, халқимизнинг кундалик ҳаётида ижобий ўзгаришларга эришиш бўйича тизимли ҳаракатларни изчил давом эттириш ва бошқа қўплаб масалаларни ўз ичига олган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони қабул қилинди. Маскур фармоннинг 4, 6, 7, 8, 9, 10 бандларида тадбиркорликни ривожлантириш айниқса ёшлар масалаларига чуқур эътибор қаратилганлиги, муносиб шарт-шароитлар яратиш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли вазифалар белгиланганлиги, мамлакатимизда ёш тадбиркорларни ҳар томонлама шакилланишлари учун катта эътибор қаратилаётганлигининг исботидир. Айниқса 2024 йил 1 марта бошлаб ёшларни замонавий касбларга ўқитиш бўйича “Устоз” маҳсус платформаси ишга туширилши ва дастлабки босқичда мазкур платформа орқали 250 минг нафар ёшлар қамраб олинишини таъминлаш ҳамда ёш хотин-қизларни тадбиркорлик, маркетинг,

график-дизайн каби замонавий касбларга ўргатиш учун “Қизлар академияси”[10] платформаси ишга туширилиши ва бу орқали ёш хотин-қизлар учун турли танлов, лойиҳалар, ўқув оромгоҳлари, стажировкалар ташкил этилиши, юқоридаги фикирларнинг ҳаётийлигини таъминлаш ва амалга оширишга асос демакдир. Маскур фармонда кўрсатилганидек ёш хотин-қизларни тадбиркорлик, маркетинг, график-дизайн каби замонавий касбларга ўргатиш ва бошқа масалаларни ўз ичига олган кенг қамровли вазифаларни белгиланиши, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларни жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши, иқтидорларини рўёбга чиқариш борасида амалга оширилаётган тизимли ишларнинг мантиқий давомидир. Ўзбекистонда ёшлар иқтисодий тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш Ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор вазифалари ҳисобланади. Фармонда келтирилган ёшларни тадбиркорликка, бизнесга йўналтириш бўйича белгиланган вазифалар, кўрсатиб ўтилган имкониятларни кенг ва атрофлича ўрганиб, хаётга тадбиқ этилиши, маскур сиёсатнинг амалдаги ижроси десак янгишмаймиз.

2024-йил 7- марта куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутқида мамлакатимизда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш ва қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларга эътибор қаратдилар“Сўнгги 5 йил ичида Ўзбекистонда ишбилармон аёллар сафи икки баробар кенгайиб, ўз бизнесини йўлга қўйган тадбиркор хотин-қизлар сони 205 мингдан ошиди. Биргина 2023 йилда 279 мингдан зиёд тадбиркорлик лойиҳаларига 13 триллион сўмдан ортиқ кредит, қарийб 57 минг нафар хотин-қизга салкам 300 миллиард сўм субсидия ажратилди. Шунингдек, 200 мингга яқин аёллар касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитилди. Энг асосийси – 400 мингдан ортиқ опа-сингилларимиз иш билан таъминланди”.[11; Б.1-2.]

**Хуноса.** Юқоридаги фикирлардан кўриниб турибтики, Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий тафаккурини шакллантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда глобаллашув ўз тасирини ўтказмаган соҳа қолмаётганлигини инобатга олсак бу жараёнлар ўта муҳим ва актуал масаладир.

#### Адабиётлар/Литература/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 августдаги Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йилга бағишлиланган тантанали маросимдаги нутқи. // Халқ сўзи. 2020 йил 1 сентябрь – №186 (7688). – Б. 1–3.
2. <https://lex.uz/docs/3416134>
3. <https://lex.uz/docs/3826820>
4. <https://lex.uz/docs/3698698>
5. <https://lex.uz/docs/3772869>
6. <https://lex.uz/docs/3824637>
7. <https://lex.uz/docs/4880189>
8. <https://lex.uz/docs/5382151>
9. Фаниев Б .С. Янги ривожланиш босқичида тадбиркорлик фаолиятининг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари. фалсафа фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Андижон. 2022. – Б 16.

10. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-куватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури. <https://strategy.uz/index.php?news=1871>
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 7- март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутқи// Халқ сўзи. 2024 йил 8 мартъ – №50 (8670). – Б. 1-2.

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

***Nº S/2 (4) – 2024***

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.**

**Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масьулияти чекланган жамияти**

**Таҳририят манзили:**  
100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
**Боғланиш учун телефонлар:**  
(99) 602-09-84 (telegram).